**Солиқ тизими — иқтисодиёт таянчи**

# БУГУНИ ТЎКИС, ЭРТАСИ ЯНАДА ПОРЛОҚ

Олтиариқ тумани маркази кундан кунга чирой очмоқда. Мустақиллик байрами арафасида ишга туширилган туман давлат солиқ инспекциясининг маъмурий биноси марказ ҳуснига ҳусн қўшади. Туман миқёсида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар, хоҳ у янги муҳташам бино бўлсин, хоҳ фойдаланишга топширилган янги корхона, шифохона, мактаб бўлсин, хоҳ мўл ғалла, мўл пахта бўлсин, бу ютуқда биз солиқ инспекцияси ходимларининг ҳиссаси борлигидан фахрланамиз. Зеро ишчи, деҳқон, қурувчи, зиёли чўнтаги ҳар белгиланган кунда маош билан тўлар экан, у яна ҳам баракали ишлаши, табиий. Бу эса биз солиқчиларга кўп томонлама боғлиқ.

Туман давлат солиқ инспекциясига 2004 йилнинг 1 ярим йиллиги ва июль ойи учун бюджет ва бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бўйича белгиланган истиқбол режалари тўлиқ бажаришга эришилди. Ҳукуматимиз томонидан баҳоланадиган 8 та манбаа бўйича ҳам белгиланган топшириқлар тўлиқ уддаланди.

Туман бўйича 6 ой давомида нақд пул тушуми 4516 миллион сўмни ташкил қилган бўлиб, шундан савдо тушуми 2323,5 миллион сўмни ташкил этди. 1 август ҳолатига биринчи даражали пенсия ва бюджет ташкилотларининг иш ҳақлари тўловлари тўлиқ тўланишига эришилди.

Белгиланган истиқлол режаларимизни бажаришда ва нақд пул тушумларини кўпайтириш соҳасида барча ходимлар бир тан, бир жон бўлиб меҳнат қилмоқдалар. Инспекция бошлиғининг биринчи ўринбосари Ш.Усмонов, инспекция бошлиғи ўринбосари, нақд пул тушумларини инкассация қилиш гуруҳи масъули И.Шарипов, таркибий бўлим бошлиқлари — Р.Тешабоев, Т.Оризматов, А.Бобохонов, У.Бобоев ва ходимлардан — А.Исмоилов, Х.Мамажоновларнинг меҳнатлари алоҳида мақтовга сазовордир. Кунлик, ойлик ва чоракли нақд пул тушумлари режалари муттасил бажарилмоқда. Ҳозир нақд пул тушуми билан муомала қилувчи хўжалик юритувчи субъектларда икки йўналиш бўйича инкассация «маршрут»и ташкил этилди. Улар сони кўпайтирилгани ҳам тушумлар салмоғи ошишига таъсир этмоқда.

Нақд пул тушумларини кўпайтириш бўйича 185 та субъектларда мониторинглар ўтказилган бўлиб, ушбу кунлардаги нақд пул тушуми ўтган кунларга нисбатан 2019,3 минг сўмга оширилишига эришилган.

Бу, албатта ўз-ўзидан бўлгани йўқ. 2004 йилнинг 6 ойи давомида 106 та корхона ва ташкилотларнинг молиявий хўжалик фаолияти ҳамда солиқ қонунчилигига риоя қилиниши бўйича текширишлар ўтказилиб, шундан 59 нафар хўжалик юритувчи объектларда камчиликлар аниқланди ва текшириш самарадорлиги 56 фоизни ташкил этди.

2004 йилнинг 6 ойи давомида ўтказилган текширишлар натижасида молиявий ва устама жарималари билан биргаликда 49908,4 минг сўм қўшимча маблағ ҳисобланиб, 36748,0 минг сўми бюджетнинг тегишли ҳисоб рақамларига ундириб олинди.

Текширишлар натижасида хато ва камчиликларга йўл қўйган 72 нафар мансабдор шахсга нисбатан 1561,2 минг сўм маъмурий жарима қўлланилган ва ушбу жариманинг 1542,4 минг сўми ундирилди.

Ҳисобли текширишлар давомида 45 миллион сўмдан зиёд қўшимча солиқ тўловлар ҳисобланган бўлса, қисқа муддатли текширишларда аниқланган нақд пул тушумини назорат касса машинасига кирим қилмаслик ва банк муассасасига вақтида топширилмаганлик ҳолатлари бўйича 15 миллион сўм миқдорида молиявий жарималар қўлланилган. 4 та ҳолатда яширин фаолият юритаётган цехлар, кўп ҳолатларда ноқонуний равишда нефть маҳсулотларининг сотилиши, савдо қоидаларининг бузилиши, ҳужжатсиз равишда фаолият кўрсатилиши каби ҳолатлар аниқланган.

«Жисмоний шахсларни солиққа тортиш ва назорат қилиш» бўлими ходимлари меҳнатини солиқ тизими ходимлари игна билан қудуқ қазишга ўхшатадилар, чунки улар жисмоний шахслар билан ишлашади, уладан ва маҳаллий солиқлар ҳамда тадбиркорлардан ундириладиган даромад солиқларини тўла ва ўз вақтида бюджетга тушириишини таъминлайдилар. Якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчилардан ундириладиган даромад солиғи бўйича белгиланган топшириқлар тўлиқ уддаланди. Рўйхатга олинган тадбиркорлар сони ўтган йилга нисбатан кўпайди.

Қисқаси юртимизнинг бугунини фаровон, эртасини улуғроқ ва файзли бўлишида солиқ тизими ходимларининг ҳам ҳиссалари катта.

**Шуҳрат ҲАЙДАРОВ,**
**Олтиариқ тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғи**

# ҚЎШ ҚУВОНЧ

***• Байрам арафасида ишга тушган янги саноат мажмуаларидан бири — «Шарқ Модел»га ҳозирданоқ Америкадан буюртма келди.***

***• «Шарқ гули» чеварлари мамлакатимиз мустақиллиги арафасида давлатимиз байроғидан бир неча мингини тикишга улгурди.***

Бундан олти кун муқаддам Тошкент шаҳаридаги «Шарқ гули» корхонаси ёнида яна бир янги саноат мажмуаси — «Шарқ Модель» қўшма корхонаси очилгани ҳақида оммавий ахборот воситалари хабар берганди. Янги корхонага байрам арафасида Америкадан 120 минг дона трикотаж футболкаларга буюртма келди.

— Буюртманинг бу қадар тез келиши сабаби, — дейди **корхона бошқаруви раиси Саида ҒАНИЕВА.** — Мажмуамизнинг расман очилиши маросими 25 августда бўлгани билан, аслида ишлаб чиқаришга бир ойча олдин киришгандик ва шерикларимиз билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатишга аллақачон улгургандик ҳам... Бу — бир қувонч!

Иккинчи қувончимиз — «Шарқ гули»да ҳам ҳозир ишлаб чиқариш айни авжига кирди. Каштачи, тикувчи ва бичувчиларимизнинг астойдил саъй-ҳаракатлари билан энг улуғ, энг азиз олий неъмат — Мустақиллигимизнинг 13 йиллиги байрамига мамлакат рамзи — байроқларимиз дастлабки бир неча мингини тикиш билан келдик...

Дарвоқе, ҳар икки корхона аҳлининг бу қўш қувончи байрамга муносиб совғалар бўлиш билан бирга Истиқлолимизнинг ўн тўртинчи йили бошланиши олдидан уларнинг истиқболли имкониятлари янада кенгайиб бораётганидан ҳам ёрқин далолат. Биргина «Шарқ Модель»да ҳозир йилига 7,2 миллион дона трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватлари — энг замонавий ускуналар, дастгоҳлар ва линиялар жадал иш бошлади. Бунинг 3 миллион донаси болаларбоп спорт кийимлари бўлади.

**Амалия СОЛИЕВА**

**Иқтисодиёт ва ислоҳот**

# «БАНК ҲАМ МАНФААТДОР, БИЗ ҲАМ...»

## «ТУРОН» АТ БАНКИ БУХОРО ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИДАН КРЕДИТ ОЛГАН ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ЖАМОАЛАРИНИНГ АЪЗОЛАРИ СЎЗИДАН

«Турон» акциядорлик-тижорат банки Бухоро филиали ёнида Ғиждувон туманида фаолият олиб бораётган «Шариф-Жума» фермер хўжалиги раҳбари Шариф Бекмуродовни учратдик. Қувончи шундоққина юз-кўзларидан сезилиб турибди.

— Кайфият зўр-у? — сабабини сўрагандек бўлдик.

— Уч йил муддатга 15 миллион сўм кредит олгандик. Унинг ҳисобига сутни қайта ишловчи мини завод сотиб олдик. Ишимиз юришиб кетди...

— Нима билан шуғулландингиз?

— Сут етиштирдик ва яна аҳоли билан шартнома тузиб, сут қабул қилдик, қайта ишладик: сариёғ, бринза, музқаймоқ, пишлоқ, қатиқ сингари маҳсулотлар ишлаб чиқардик...

— Даромад-чи? Банкдан олган қарзингиз?..

— Яратганга шукр, даромад кутганимиздан ҳам зиёда бўлди. Сифатига гап йўқ, харидорлар бисёр... Ҳозиргача 36,3 миллион сўм даромад олдик. Кредитнинг ўзидан ҳам, фоизидан ҳам қутилдик. Соф фойда — 17,1 млн. сўм...

Банк филиали фаолиятининг ибратли жиҳатлари ҳақида ҳикоя қилувчи бундай мисоллар кўп. Масалан, шу йил Ўткир Ҳамроев раҳбарлигидаги Бухоро коммунал таъминоти масъулияти чекланган жамият ишлаб чиқаришни ривожлантириш (яъни, ўзига тегишли асфальт заводига хомашё ва эҳтиёт қисмлар сотиб олиш) учун банкдан 10 млн. сўм кредит олганди. Ўтган 6 ой мобайнида 25,9 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Боз устига, 17 та қўшимча ишчи ўрни ҳам яратилди. 16,3 млн. сўмлик фойда кўрилди.

...«Дилфуза» фермер хўжалигига банк томонидан 7,5 млн. сўм кредит ажратилганди. Хўжалик раҳбари З.Мустафоева қорамол ва омухта ем сотиб олиб, шу йилнинг ярим йилидаёқ 17,3 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Қарзидан қутилиб, 8,2 млн. сўмлик даромад ҳам олди.

Филиал шу йил бошидан буён фермер хўжаликларига 77,4 млн. сўмлик, 32 та мижозга эса пахта ҳосили етиштириш учун 75,5 млн. сўмлик кредит ажратди. Капитал қўйилмалар ва бюджетдан молиялаштириш бўйича ҳам катта ишлар амалга оширилди. Масалан, 6-қурилаётган корхоналар бирлашган маъмурияти, вилоят гидрогеологик-мелиоратив экспедицияси, Аму-Бухоро машина канали бошқармаси, вилоят насос станциялари ва электр алоқа бошқармаларига жорий йилда (бажарилиши режалаштирилган капитал қурилиш ва фойдаланилаётган иншоотларда жорий ҳамда капитал таъмирлаш ишларини амалга оширувчи) пудрат ташкилотларига катта мадад берилди. Улар асосан суғориладиган ерларни қайта таъмирлаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, канал ва коллекторларни таъмирлаш, яйловларда тик қудуқлар қазиш сингари инвестиция дастурига киритилган янги лойиҳалардир.

Республика миқёсидаги долзарб қурилиш иншоотлари рўйхатига киритилган Жиззах вилоятидаги Арнасой сув омбори ва газчилар шаҳри — Газли шаҳрининг, шунингдек, Бухоро туманидаги «Соҳибкор» ширкат хўжалигида 140 гектар ернинг мелиоратив ҳолатларини яхшилаш ишларига ҳам филиал жамоаси салмоқли ёрдам кўрсатди. Бухоро туманидаги «Маданият» ширкат хўжалигида 20, Жондор туманидаги Навоий номли ширкат хўжалигида 25 гектар суғориладиган ерлар таъмирланди. «Денгизкўл», «Эски Амур Темур», «Гурдюш» каби 8 км. узунликдаги магистрал коллекторлар реконструкция қилинди.

Айни кунларда банк мижозларининг асосий қисми Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли корхоналар, хусусий тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари бўлиб, улар учун банкнинг Олот филиали ҳамда Ғиждувон кичик банки самарали хизмат кўрсатмоқда.

Филиалда 2 та валюта алмаштириш шахобчаси бор. Улар барча валюта амалиётлари бўйича резидент ва норезидентларга доим кўмакдош. Иккита дунё бўйича пул жўнатиш ва қабул қилиш тизими мавжуд. Улар чет давлатлардан фуқароларнинг пулларини олишда ва хорижга пул жўнатиш борасида («Вестерн Юнион» ва «Тезкор почта») мижозларга мададкор.

Банк хизмат кўламини ошириш, аҳолининг бўш пул маблағларини улар учун қулай омонат турларига жалб этиш ишлари яхши йўлга қўйилган. Олтита жамғарма кассаси ибратли фаолият олиб бормоқда. Бугунгача 335,9 млн. сўмлик бўш маблағлар банк хазинасига кирим қилинди. Айниқса, «Орзу», «Бинафша», «Наврўз», «Имконият», «Кафолат» омонат турларига энг кўп маблағ жалб этилди. Шу билан бирга жорий йилнинг 25 июнидан бошлаб, янги «Омад қувончи» ютуқли омонат тури ҳам амалиётга кирди.

Корпоратив мижозларни банкка жалб қилиш ва улар учун хизмат турларини кенгайтириш борасидаги янгиликлар талайгина. Факторинг ва лизинг операцияларини амалга ошириш бўйича 2003-2004 йиллар давомида 650 млн. сўмлик операциялар бажарилди. Миллий валютани конвертация қилиш, экспорт-импорт шартномаларини рўйхатга олиш ва турли хил валюта жараёнларини қўллаш, консалтинг хизматларини яхшилаш, пластик карточкалардан фойдаланиш тажрибалари тобора кенг тус олмоқда. Аҳоли гавжум жойлар ва бозорларда мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида қўшимча минибанклар ва жамғарма кассалари очиш чора-тадбирлари кўрилаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва Марказий банк йўриқномаларини ҳаётга татбиқ эта бориб кичик бизнес субъектларини ривожлантириш учун қисқа ва ўрта муддатли кредитлар миқдори кўпайтирилди. 2004 йил 1 июль ҳолатига кўра банк филиалининг жами кредит портфели 2029,8 млн. сўмни ташкил этди. Берилган кредитларнинг 37 фоизи (ёки 752,8 млн. сўми) Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли корхоналар ҳисобига, 60 фоизи (ёки 1224,1 млн. сўми) кичик бизнес субъектларига, 2 фоизи (ёки 50,7 млн. сўми) аҳолига автомобил сотиб олишлари учун ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги 318-қарорига биноан 6 нафар талабага 2,2 млн. сўм кредит ажратилди. Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун банк томонидан ярим йил ичидаёқ 384,6 млн. сўмлик кредит берилди.

Мухтасар айтганда, «Турон» АТ банки Бухоро филиали жамоаси фаолиятидан қониқиш ҳосил қилаётган субъектлар бугун мамнунлик билан: «Банк ҳам манфаатдор, биз ҳам...» демоқдалар.

Айни кунларда жамоа миллий бойлигимиз — пахта йиғим-теримига пухта ҳозирлик кўриб, эрта-индин бошлангувчи долзарб кезларда бутун диққат-эътиборларини қишлоқ меҳнаткашларига молиявий мадад кўрсатишга қаратганлар.

**Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,**
**Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари**









«ОЛМАЛИҚ ТОҒ-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Халқимизнинг эзгу орзу-армонлари ушалган, серкуёш Ватанимизни дунёга танитган кутлуғ кун — Мустақиллик байрами муносабати билан барча ватандошларимизни, иқтисодий қудратимизни оширишга кўмаклашаётган ҳамкорларимизни самимий муборакбод этади.

Кон саноатининг паҳлавони — «Олмалиқ ТМК» ОАЖ мустақиллик йилларида янада кучга тўлди — қудратли комплексга айланди. Янги қувватлар, имкониятлар ишга солинди, замонавий технологиялар жорий этилди. Булар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, иш унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш, пировардида ишчи-хизматчилар, инженер-техник ходимлар манфаатдорлигини ошириш имконини берди.

Азиз, ватандошлар!
Истиқлолнинг шукуҳли кунларида байрам шодиёналарини биргаликда баҳам кўриш бизга чексиз мамнуният бахш этади!

БАРЧАМИЗГА БАЙРАМ МУБОРАК БЎЛСИН!

# «ЎЗАВТОСАНОАТ» уюшмаси

барча Ўзбекистон халқини давлатимиз
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 13 ЙИЛЛИК БАЙРАМИ
билан самимий табриклайди!






O'ZAVTOSANOAT








# «ЎЗБЕКЕНГИЛСАНОАТ»

ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ УЛУҒ БАЙРАМ — МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 13 ЙИЛЛИГИ БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ!

Мустақиллик барчамизга ўз салоҳиятимизни рўёбга чиқариш учун чексиз имкониятлар яратиб берди. Ҳозирги кунга келиб республикамизда ишлаб чиқарилган енгил саноат маҳсулотлари жаҳон бозорида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиб бормоқда.

Республикамиз енгил саноатига кўплаб хорижий шериклар сармоясини жалб қилган ҳолда янги-янги қўшма корхоналар фойдаланишга топширилмоқда. Бу эса ўз-ўзидан кўплаб янги ишчи ўринларини яратиш имкониятини бермоқда. Пахта толаси эса ўзимизда қайта ишланиб, тайёр маҳсулот ҳолига келтирилаётир. Бу наинки ички бозорни таъминлашга, балки халқаро бозордан муқим жой эгаллаш учун шароит яратади.

*Азиз ватандошлар!*
*Сизларни байрам билан қутлар эканмиз, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, тинч ва осойишта ҳаёт тилаймиз!*














# ВАТАН СИЗЛАР БИЛАН ФАХРЛАНАДИ



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Эркин кураш бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони, катталар ўртасида Осиё чемпионати совриндори Магомед Ибрагимов (96 кг.) шу йилнинг 18 мартида йигирма бир ёшга тўлди. Иқтидорли спортчимиз финалгача барча рақибларини катта устунлик билан енгди. Фақат ҳал қилувчи учрашувда Магомед Ибрагимов Хожимурот Гацалов (Россия) билан тенгма-тенг кураш олиб бориб, очколар ҳисобида имкониятни бой бериб қўйди ва кумуш медаль билан кифояланди.

Баҳсларни ғалабалар билан бошлаган боксчиларимиздан ҳам юқори натижалар кутилаётганди. Муболағасиз «чарм қўлқоп» усталаримиз бунга муносиб эдилар. Бироқ, ҳал қилувчи паллаларда айрим ҳакамларнинг нохолисликлари вакилларимиз учун қимматга тушди. Жумладан, ярим финалда америкалик Андрэ Уордга қарши чиққан Ўткирбек Ҳайдаров (81 кг.) рақибидан устунлигини намоён этди. Афсуски, ҳакамлар Уордга «ён» босишди ва оқибатда ҳамюртимиз бронза медали билан чекланди.



Энг муҳими, ер юзининг 202 давлатидан энг сара спортчилар қатнашган мазкур нуфузли мусобақада Ўзбекистон олимпиячилари ўзларининг нималарга қодир эканликларини кўрсатишди. Ёдингизда бўлса, илк маротаба Мустақил Ўзбекистон олимпиячилари алоҳида жамоа сифатида қатнашган 1996 йилги Атланта (АҚШ) олимпиадасида вакилларимиз 1 та кумуш, 1 та бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 51-поғонани банд этганди. 2000 йили Сидней (Австралия) олимпиадасида спортчиларимиз 1 та олтин, 1 кумуш ва 2 та бронза медали билан 47-ўринни эгаллашди. Афинада ўтган XXVIII ёзги олимпиадада эса ҳамюртларимиз **2 та олтин, 1 кумуш ва 2 та бронза медали билан 202 давлат вакиллари ўртасида 34-ўринни** эгаллади. Агар мазкур кўрсаткични МДҲ мамлакатлари билан таққослайдиган бўлсак, Ватанимиз спортчилари Россия, Украина, Белорус, Грузия вакилларидан кейин бешинчи натижани кўрсатишди. Бу эса Ватанимизда Олимпия спорт турларини юксалтиришга алоҳида аҳамият берилаётганлигининг исботидир.

**Эркин ХОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» мухбири.**



**Суратларда:** олимпия чемпиони А.Таймазов ғалабадан сўнг; спорт делегациямизни тантанали кутиб олиш маросимидан лавҳалар.

**Анвар ИЛЁСОВ («Жаҳон» АА), Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар.**







**Умид ғунчалари**

# «ФАРЗАНД БЎЛГУМ ВАТАН, СЕНГА МУНОСИБ»

Қўлимга Дилдоранинг шеърлари тасодифан тушиб қолди. У олдига журналист бўлишни мақсад қилибди. Қарашлари жиддий бу қиз гоҳи-гоҳида ҳеч кимга кўрсатмай шеър машқ қилиб тураркан. Дафтарини очдиму, ортиқча эҳтиросдан холи, самимий ва бироз дардли мисраларга кўзим тушди. У ҳеч кимга очмаган юрагини қоғозга очган, ўзининг мурғак кўнглини ўртаётган дардларини қалам билан ўртоқлашган. Ёш шоира содда тил билан, «Мунис онам дунё тургунча турсин, куйманиб ёнимда бир умр юрсин», дея Яратганга илтижо қилади.

Дилдора ҳозир ўзини таниш жараёнида — катта синов олдида турибди. Унинг ўйчан қалби ҳаёт довонини забт этишга чоғланмоқда. Ажабмас, бу сирли оҳанглар вақти келиб минглаб инсонлар қалбида дарёларга айланса...

**Шарифа САЛИМОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира**



**Дилдора ХАЛИЛОВА**

## Ватан

Қуш ўз уясида кўрганин қилар,
Қушнинг орзусини осмонлар билар.
Шамоллар шиддатин туяётир тан,
Мен сенинг жажжи бир қушчангман, Ватан!

Сенда кўрганларим юрагимга жо,
Сендан олганларим ғурур ва дуо.
Мен азиз тупроқнинг бўйи ила маст,
Сен — онам, вазмину, мушфиқ ва дардкаш.

Ҳали кўп довондан ўтганча ошиб,
Фарзанд бўлгум Ватан, сенга муносиб.

## Уриб турса юрагим...

Юрагимнинг ҳар бир зарбида
Сенинг ишқдек гўзал номинг бор.
Шуълаланган ойнинг нурида
Қиёфанг бор, сир, саломинг бор.
Урса юрак кўксимда қалқиб,
Исминг тилда такрору такрор.
Шам ўтида куйган юрагим,
Сенсиз ғариб ва девонавор.
Уриб турса кўксимда юрак
Ҳар лаҳзада эслатиб сени.
Дунёларга баҳор улашиб,
Ўз ҳолимга қўймайди мени.
Уриб турса менинг юрагим
Бир бор унга тутиб кўр қулоқ.
Шам нурида тўкилган ёшим
Бир томчиси тоғдан вазминроқ...

## «ТАШАББУС»НИНГ ТАШАББУСИ

Навоийда фаолият кўрсатаётган «Ташаббус» нодавлат нотижорат ташкилоти ҳузурида жорий йилнинг бошида «Ёш журналистлар» клуби ташкил этилди.

Мазкур клубга Навоий шаҳридаги мактабларнинг иқтидорли ўқувчилари танлов асосида қабул қилинади.

Клубда қизиқарли машғулотлар билан бир қаторда ёш ижодкорларни ижтимоий ҳимоялашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— «Меҳр ва мурувват йили» муносабати билан Навоий тоғ-металлургия комбинати ҳомийлигида Ўзбекистондаги бир қатор қадамжоларни зиёрат қилишга мушарраф бўлдилар. Бу ёш ижодкорлар қалбида олам-олам таассурот қолдирди ва ижодий парвозга қанот бўлди, — деди «Ташаббус» ижтимоий ҳамкорлик маркази директори Гулхан Асанова.

**М.ҲОСИЛОВА, «Туркистон-пресс»**

## Ҳикматли сўзлар маъноси

### ТИККАН ЧЕВАР ЭМАС, БИЧГАН — ЧЕВАР

Ҳар қандай кийим ҳам аниқ ўлчаб, ўйлаб, маҳорат билан бичилса, тикилгандан кейин баданга лойиқ, ярашиқ, кўркам ва бежирим бўлиб чиқади. Шунингдек, ҳар бир иш бошидан пухта ўйлаб, замини мустаҳкам қилинса, кўнгилдагидек бўлиб чиқади, охири бахайр бўлади. Мазкур мақолни айтганда шунга шама қиладилар.

### ТИЛ БИЛАН ТИКАН ТОРТИБ БЎЛМАС

Баданга кирган тиканни тил билан тортиб олиб бўлмайди. Мазкур мақол билан мажозан: «Дўсту биродарингнинг бошига бирор кулфат, мусибат, машаққат тушгудек бўлса, уни тил учида, оғзаки юпатиб, далда берганингнинг ўзигина кифоя қилмайди, унга амалий ёрдам берганингдагина дардига малҳам бўлиб, мушкулини осон қила оласан», деган маънода насиҳат қиладилар.

# ВАЛЛОНИЯ ПОЙТАХТИ НАМУРДА — ЎЗБЕК ГУРУҲИ

Валлония пойтахти Намур шаҳрида 45-халқаро фольклор қўшиқ ва рақслар бутунжаҳон фестивали ниҳоясига етди. Ўзбекистоннинг «Гули-Бону» продюсер маркази гуруҳи таркибидаги якка ижрочи Карен Ғафуржонов, «Аббос» гуруҳи мусиқачилари ва «Баҳор» ансамблининг рақкосалари ушбу мусиқий анжуманда иштирок этишди.

Намур фольклор фестивалининг очилишида кўпсонли мусиқа ихлосмандлари орасида шаҳар ҳокимияти вакиллари ҳам иштирок этишди.

— Ўзбекистонлик артистларнинг чиқишларини катта қизиқиш билан томоша қилдим. У Намур аҳолисига ўзбек халқининг бой ва ўзига хос маданияти ҳақида тасаввур ҳосил қилиб, мамлакатларимиз ўртасида маданий ҳамкорлик тимсоли бўлиб қолади. Фурсатдан фойдаланиб, халқимиз номидан Ўзбекистон халқини миллий байрам — Мустақиллик куни билан чин қалбимдан табриклаб, бахт, келажакда юксалиш ва тараққиёт тилайман, — деди Намур шаҳар мэри Бернар Алсельм.

**Жамшид МУТАЛОВ, «Жаҳон» АА**

Брюссель

Тошкент шаҳар ҳокимияти томонидан 2004 йил 12 январда Азимов Темур Адҳамович номига берилган № 0900523 рақамли хусусий тадбиркорлик ҳақидаги патент йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Газетанинг навбатдаги сони 1 сентябрь, чоршанба куни чиқади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Azimjon AYUPOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot — 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat — 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 133-20-36
Parlament va huquq — 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik — 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib — 133-72-83
Reklama va e`lonlar — 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi:
Bardambek SA`DULLAYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Ikromjon ISMOILOV
Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 961
7748 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
O`zA yakuni — 21.00.
Topshirish vaqti — 1.00.
1 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

**Ислом КАРИМОВ:**

**БУГУН МУСТАҚИЛ ДАВЛАТИМИЗ, ОЗОД МАМЛАКАТИМИЗ ЯНА БИР ЁШГА УЛҒАЙМОҚДА. БИЗ ЎЗ ОЛДИМИЗГА ҚЎЙГАН ЯНГИ ҲАЁТ, ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШДЕК БУЮК МАҚСАДИМИЗ САРИ ЯНА БИР ҚАДАМ ҚЎЙДИК.**

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

■ 2004-YIL ■ 1-SENTABR ■ CHORSHANBA ■ 108 (27.283) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН УЧ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

**Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар! Муҳтарам меҳмонлар!**

**Бугун — юртимизда муборак айём, тарихий сана — Ўзбекистонимиз мустақилликка, истиқлолга эришган кун.**

**Сиз, азиз юртдошларимни, сизларнинг сиймонгизда гўзал пойтахтимиз Тошкентда, шаҳар ва қишлоқларимизда бу қутлуғ айёмни нишонлаётган бутун халқимизни Мустақиллик байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.**

**Азиз дўстларим, биродарларим!**

**Бугун мустақил давлатимиз, озод мамлакатимиз яна бир ёшга улғаймоқда. Биз ўз олдимизга қўйган янги ҳаёт, демократик жамият қуришдек буюк мақсадимиз сари яна бир қадам қўйдик.**

**Биз бугун мана шу тарихан қисқа даврда босиб ўтган йўлимизни, бошимиздан кечирган синов ва ўта мураккаб кунларни, хавфу хатар, қийинчилик ва машаққатларни, шу билан бирга, қўлга киритган ютуқ ва марраларимизни хаёлимиздан ўтказишимиз, сарҳисоб қилишимиз табиий, албатта.**

**Шу давр мобайнида шаҳар-қишлоқларимиз, азим пойтахтимиз, юртимизнинг қиёфаси бутунлай ўзгариб бораётгани;**

**Шарқ, Ғарб ва Жануб сари интилган коммуникациялар, автомобиль ва темир йўллари, йирик иншоотлар, одамларимизни иш билан таъминлайдиган янги, замонавий корхоналар барпо этилгани;**

**тарихий-маданий, диний қадриятларимиз тиклангани, баркамол авлоднинг вояга етаётгани ва шу каби эртага тарихга кирадиган улкан дастур ва тадбирларимиз**

**— буларнинг барчаси биз босиб ўтаётган йўлнинг, келажаги буюк давлатнинг асосий мезони ва амалий белгиси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.**

**Бугун иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ривожланаётгани, халқимиз турмуш даражаси ортиб, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора юксалиб бораётгани диёримизда яшаётган ҳар қайси инсонга мамнуният етказиши шубҳасиз.**

**Бундай ютуқлар негизида авваламбор халқимизнинг фидокорона меҳнати ва бунёдкорлик салоҳияти, одамларимизнинг онги ва тафаккури, ҳаётга муносабати ўзгараётгани, улар ўзини шу юртнинг ҳақиқий эгаси деб ҳис қилаётгани мужассам.**

**Шу борада юксак марраларга етиб боришимизнинг замирида ётган энг муҳим омилларни яна бир бор таъкидлаб ўтишни ўринли деб биламан.**

**Бу — аввало жамиятимизда сувдек, ҳаводек зарур бўлган ва халқимиз кўз қорачиғидай асраб-авайлаб келаётган тинчлик-осойишталик, ҳамжиҳатлик ва тотувлик;**

**Бу — ҳар томонлама чуқур ўйланган, биринчи галда, халқимизнинг манфаатини кўзда тутиб, изчиллик ва қатъиятлик билан олиб борилаётган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлардир.**

**Бу — узоқ ва яқин қўшниларимиз билан ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамоҳанг бўлиб яшаш ва унинг ҳаётида ўзимизга хос, ўзимизга мос ўринни эгаллаб олишдек эзгу мақсадлардир.**

**Вақт ўтиши, замон ўзгариши билан ҳар қандай холис кузатувчига бир ҳақиқат аён бўлмоқдаки, биз ички ва ташқи сиёсатимизни амалга оширишда кимнингдир тазйиқ ёки амрига итоат қилиб, турли ўйинларга қўшилган эмасмиз ва доимо мустақил сиёсат олиб борганмиз.**

**Биз учун ягона ва устувор мақсад — бу Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаатидир.**

**Бугун ёруғ юз билан айтишга ҳаққимиз борки, қанчалар қийин бўлмасин, биз бир кунлик ҳаёт билан яшаганимиз йўқ, келажак авлодимизнинг ризқи ва насибасига хиёнат қилганимиз йўқ.**

**Оллоҳнинг ўзи бизга инъом этган ер ости, ер усти бойликларимизни ўзлаштиришда, улардан оқилона ва самарали фойдаланишда, давлатни идора қилиш, иқтисодиётимизни ташкил этишда биз аввало узоқ ва давомли мақсад-муддаоларимизни кўзлаб иш олиб бормоқдамиз.**

**Шу ўринда биргина мисолни айтиб ўтиш жоиз, деб биламан.**

**Биз 1997 йилда қабул қилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш учун талаб қилинадиган маблағлар ҳажми ҳар йили миллий бюджетимиз харажатининг қарийб ярмини ташкил қилмоқда. Лекин шунга қарамасдан, биз кенг кўламли, улуғвор бу дастурни изчиллик билан ҳаётга жорий этмоқдамиз.**

**Нега деганда, бу эл-юртимизнинг эртанги куни, равнақи ва тараққиёти, Ўзбекистоннинг жаҳондаги ўрни ва нуфузини белгилаб берадиган том маънодаги тарихий қадамдир.**

**Шу йилдан амалга ошира бошлаган, беш йилга мўлжалланган умумтаълим мактабларини ривожлантириш дастури ҳам ана шундай улкан аҳамиятга эга бўлган ишларимиз қаторига киради.**

**Ҳеч кимдан кам бўлмаган, бамисоли эркин қуш каби парвозга шай бўлиб турган, билаги кучга тўлиб, салоҳияти юксалиб бораётган, умид-ишончимиз, таянчимиз ва суянчимиз бўлган навқирон авлодимизнинг майдонга чиқаётгани мана шу сиёсатнинг дастлабки нишонасидир.**

**Халқимизнинг фахри бўлган Рустам Қосимжонов каби ёшларимиз бу авлоднинг қалдирғочларидир ва уларнинг сафи тобора кенгайиб боришига мен қатъий ишонаман.**

**Азиз дўстлар!**

**Ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда, халқаро терроризм, диний экстремизм, наркобизнес каби бало-қазолар инсоният ҳаётига таҳдид солиб турган бир шароитда мен ўз уйимиз, ўз муқаддас юртимизни ўзимиз асрайлик, ўзимиз ҳимоя қилайлик, деган даъват ҳар бир юртдошимизни доимо ҳушёрлик ва огоҳликка чорлаб туришини истар эдим.**

**Ўзбекистонимиз — она-Ватанимизга нисбатан ғаразли ният билан юрган кимсалар қулоғига қўрғошиндай қуйиб олсин. Биз кўзлаган орзу-мақсадларимизга албатта етамиз, эркин ва фаровон яшайдиган жамиятни албатта қурамиз ва бу йўлда бизга ҳеч ким тўсиқ бўлолмайди.**

**Бунинг учун барчамиз огоҳлик ва ҳушёрликни йўқотмаслигимиз, бепарволик ва лоқайдликдан бутунлай халос бўлиб, миллат ва халқ бирлигини янада мустаҳкамлаб, ўзаро аҳил, меҳр-оқибатли бўлиб яшашимиз ва тинчлик учун курашмоғимиз керак.**

**Қадрли ватандошларим!**

**Орадан йиллар, асрлар ўтади. Шубҳа йўқки, мамлакатимиз ҳаётида янги-янги ўзгаришлар, шодиёна ва қувончли кунлар кўп бўлади. Лекин халқимиз, миллатимиз тарихида Ватанимиз истиқлолга эришган мана шу кун энг улуғ, энг азиз байрам бўлиб қолаверади.**

**Мен бугун шу юксак минбарда туриб, Ўзбекистоннинг оғирини, шаъну шавкатини ўз елкасида кўтариб келаётган, барча ютуқларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган заҳматкаш халқимизга таъзим қиламан.**

**Барчангизни Истиқлол байрами, Озодлик айёми билан яна бир бор чин қалбимдан қутлайман.**

**Эл-юртимиз омон, осмонимиз мусаффо, мустақиллигимиз абадий бўлсин!**



## ШАҲИДЛАР ЁДИ МАНГУ

Мустақиллик йилларида миллий маънавий меросимизнинг қадр топиши билан бирга Ватан истиқлоли йўлида шаҳид кетган қатағон қурбонлари хотирасининг абадийлаштирилиши улкан хайрли амаллардан бири бўлди. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан пойтахтимизда бунёд этилган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи уларга кўрсатилган эҳтиромнинг ёрқин намунасидир. Бугун, халқимиз истиқлол байрамини нишонлаётган кунларда бу маскан зиёратчилар билан гавжум. Бинобарин, замондошларимизнинг бугунги тинчлик ва осудаликнинг қадрига етишида, ўтмишдан сабоқ чиқариб, келажакка интилиб яшашларида бундай табаррук қадамжоларнинг аҳамияти беқиёс.

31 август тонгида «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи янада гавжум бўлди. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида шаҳид кетган ватандошларимиз хотирасини ёдга олиш, нафақат ўтмишимиз, балки бугунги ёруғ кунларимизни ҳам янада теранроқ англаш имконини беради. Истиқлол аталмиш буюк неъматни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, келажак авлодларга озод ва обод ватан қолдириш барчамизнинг шарафли бурчимиздир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қатағон қурбонларини ёд этиш куни муносабати билан пойтахтимиздаги «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида ўтган маросимда иштирок этди. Бу ерда Юртбошимиз жамоатчилик вакиллари ва журналистлар билан учрашиб, ўзининг фикр-мулоҳазаларини баён қилди.



Ҳар бир мамлакат мустақилликка эришгандан сўнг унинг олдида кўпдан-кўп муҳим ҳаётий масалалар пайдо бўлади, деди давлатимиз раҳбари. Мустабид тузум даврида зулм ва тажовуз, қатағон қурбони бўлган минглаб ватандошларимиз хотирасига бағишлаб мазкур ёдгорлик мажмуасини барпо этганимиз халқимизнинг дилидаги иш бўлди. Бугунги қутлуғ кунларга эришишимизга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсонлар хотирасини эъзозлаш доимий эзгу амалларимиздан бўлмоғи лозим. Эл-юрт озодлиги йўлида қурбон бўлган аждодларимиз ёдини ҳамиша эсда тутмоғимиз даркор.

Истибдод жафосини бошидан ўтказган киши мустақиллик қадрини, бу ёруғ кунлар шукуҳини, айниқса, теран англайди.

Аждодлар хотирасига ҳурмат бажо этиш ҳар бир инсон учун фарз, деди Ислом Каримов. Бугунгидек қутлуғ кунларда «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуига келиб, қатағон қурбонларини зиёрат этиш киши руҳини поклайди. Айни пайтда, шу зиёратгоҳ тимсолида инсон фалак гардиши қандай айланмасин, барибир адолатнинг қарор топиши, эзгуликнинг абадийлигига ишонч ҳосил қилади. Шу сабабли биз катта маънавий, тарбиявий аҳамиятга эга бундай савобли ишларимизни изчил давом эттиришимиз керак.

XX аср бошида халқимиз, миллатимиз орасидан етишиб чиққан маърифатпарвар аждодларимизнинг ибратли ҳаёти ва маънавий жасоратини кўз олдимизга келтириб, уларнинг иззат-ҳурматини жойига қўйиш ҳақида кўп ўйлайман. Бу ҳаракатнинг кўзга кўринган намояндалари бўлмиш Беҳбудий, Мунаввар қори, Фитрат, Чўлпон, Қодирий, Боту, Элбек каби боболаримизнинг номлари, уларнинг шу замин, шу Ватан келажагини ўйлаб амалга оширган эзгу ишлари улар орзу қилган истиқлол йилларида юзага чиқди, деди Юртбошимиз.

Бу фидойи инсонлар мустамлака тузум, зулм ва зўравонлик ҳукмрон бўлган ўта оғир ва мураккаб замонда яшаб, таъқиб ва тазйиқларга қарамасдан, ўз маблағлари ҳисобидан янгича мактаблар, театр ва кутубхоналар очгани, газета ва журналлар ташкил қилгани, дарслик ва китоблар нашр этгани, бир сўз билан айтганда, эл-юрт ўртасида маърифат зиёсини сочгани тарихдан яхши маълум.

Қанчалик қийин, қанчалик машаққатли бўлмасин, улар илм-маърифат билан халқни уйғотиш, унинг кўзига ҳақиқатни очиб бериш, ўзлигини англатишни ўзлари учун муқаддас бурч деб билган, бошига оғир кунлар тушганида ҳам ўз эътиқодига содиқ қолган.

(Давоми 2-бетда.)

## ОЗОД ЭЛНИНГ БУЮК БАЙРАМИ

### МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДАН РЕПОРТАЖ

Бу кун — энг улуғ ва энг азиз байрамимиз нишонланадиган кун.

Бу кун — Ўзбекистон давлат мустақиллигининг ўн уч йиллик қутлуғ тўйи.

Бу кун — мамлакатимиз тарихи зарварақларига абадий муҳрланган унутилмас сана.

Бундан ўн уч йил аввал биз неча-неча аждодларимиз орзу қилган мустақилликка эришдик. Эркин ва озод тараққиёт йўлини танладик. Демократик тамойилларга, бозор иқтисодиёти асосларига таянган янги жамият, янги давлат қуришга бел боғладик.

Тарих мезонларидан қарайдиган бўлсак, ўн уч йил дегани бир зум, бир дақиқадек қисқа муддат. Аммо Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида янги ҳаёт пойдеворини қуриш йўлидаги мураккаб ва шарафли меҳнат билан ўтган бу даврнинг мазмун-моҳияти, шак-шубҳасиз, асрларга тенг.

Кундан-кун чирой очаётган қишлоқ ва шаҳарларимиз, «Ўзбекистонда тайёрланган» белгиси билан дунё бозорларини забт этаётган замонавий, рақобатбардош маҳсулотларимиз, истиқлолимизнинг иқтисодий асосини мустаҳкамлашга, халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилаётган донимиз, пахтамиз, олтинимиз, нефть ва газимиз, бошқа кўплаб бебаҳо неъматларимиз шундан далолатдир.

Давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизими, қишлоқ хўжалиги, саноат, илм-фан, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза, таълим, маданият, спорт каби соҳаларда узоқ мўлжалли давлат дастурлари асосида амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар бунинг белгисидир.

Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, одамлар қалбида, онгу шуурида намоён бўлаётган меҳр-оқибат, мурувват, бағрикенглик каби фазилатлар ва юртдошларимизнинг эртанги кунга юксак ишончи буни тўла тасдиқлайди.

Меҳр ва мурувват йилида мўътабар қарияларимиз, ота-оналаримизнинг ҳурмат-эҳтиромини жойига қўйиш, бир-биримизга меҳр-оқибат ва мурувват кўрсатиш, жамиятимизда ҳеч ким ёлғиз эмаслиги, ҳеч ким эътиборсиз, қаровсиз қолмаслиги каби халқимизнинг азалий фазилатларини қайта тиклаш, ривож топтириш борасида кўплаб амалий ишлар рўёбга чиқмоқда.



Йил охирида ўтказиладиган сайловлар мамлакатимизда икки палатали парламентни шакллантиришга қаратилганлиги билан ўта муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида тарихимизда қолажак.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга экани, янги жамият қуриш йўлида олиб бораётган ҳаётбахш ислоҳотлари, яратувчанлик меҳнати, демократик ўзгаришлар йўлидаги собитқадамлиги, мустақил ички ва ташқи сиёсати билан дунё халқларининг ҳурмат-эътиборини қозонмоқда.

Бунинг тасдиғини жаҳонаро нуфузимиз ортиб бораётганида ҳам кўриш мумкин. Биргина мисол. Жорий йилда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги алоқаларнинг сифат жиҳатдан бутунлай янги босқичга кўтарилганида Ўзбекистоннинг алоҳида ўрни бор. Айниқса, ушбу ташкилотнинг минтақавий Аксилтеррор тузилмаси ижроия қўмитаси Тошкентда иш бошлагани турли бало-қазоларга қарши курашда ҳамкорликни изчил кенгайтириш борасидаги саъй-ҳаракатларимизни яна бир амалий натижа билан бойитди...

(Давоми 2-бетда.)

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муҳтарам Президент Жаноблари,

Мамлакатингиз мустақиликка эришганлигининг 13 йиллиги муносабати билан шахсан Сизга ва бутун Ўзбекистон халқига йўллаётган қутловларимни қабул қилгайсиз. Ўтган 13 йил мобайнида халқларимиз ўзаро яқин ва мустаҳкам ҳамкорлик асосини яратдилар. Америка Қўшма Штатлари хавфсизликни мустаҳкамлаш, равнақ, тараққиёт ва озодлик ишида бундан буён ҳам Ўзбекистон халқи ва ҳукумати билан бирга бўлиш ниятидадир.

Терроризмга қарши курашда Ўзбекистоннинг ўрни ғоят муҳим бўлиб қолмоқда. Биз бу йил мамлакатингизни ларзага солган портлашларни қоралаймиз. Нишонга олинган объектлар орасида бизнинг элчихонамиз ҳам бўлганлиги терроризмга қарши курашдаги муштараклигимизни тасдиқлайди.

Келажакда халқларимиз ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун аввалгидек муваффақиятли баҳамжиҳат ҳаракатимиздан наф кўра олишимизга ишонаман.

Самимий эҳтиром ила,

**Жорж БУШ,**
**Америка Қўшма Штатлари Президенти**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига чин юракдан қутловлар ҳамда шахсан Сизга бахт-саодат ва мамлакатингиз халқига равнақ тилаб билдирган самимий истакларимни йўллаш менга ғоят катта мамнуният бахш этади.

**АКИХИТО,**
**Япония Императори**

## БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!



*Азиз Ватандошлар!*
*Қадрли партиядошлар!*
*Сизларни халқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами – Мустақиллик куни билан самимий муборакбод этамиз!*

*Халқимиз асрлар давомида курашиб қўлга киритган Мустақиллик ҳаммамизга татисин, юртимиз тинч ва обод, турмушимиз фаровон, келажагимиз порлоқ бўлсин!*

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси**

BANK XALQ BANKI
ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57, Faks: 136-76-22
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

# СЎЗ — ОЛИМПИАДА ҚАҲРАМОНЛАРИГА

**Афинада бўлиб ўтган XXVIII Олимпия ўйинларида мамлакатимиз спортчилари муносиб иштирок этиб, энг азиз, энг улуғ байрамимизга 2 та олтин, 1 та кумуш, 2 та бронза медалини туҳфа этишганини такрор ва такрор айтсак арзийди. Чемпион ва совриндорларимиз номларини яна бир бор фахр билан тилга олсак, байрамга жуда ярашади, деб ўйлаймиз.**

**Кескин ўтган беллашувларда спортчиларимиз матонат кўрсатиб, умумжамоа ҳисобида 202 та мамлакат ўртасида 34-ўринни эгаллади. Ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасида 5-, Марказий Осиёда эса биринчи бўлганлигимизни ҳисобга олсак, мамлакатимизда спортни ривожлантириш, спортчиларни рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бераётганига яна бир бор иқрор бўламиз.**

**Спортчиларимизни, уларнинг мураббийларини, ота-оналарини, барча Ватандошларимизни бу умумхалқ, умуммиллат ютуқлар билан қутлаймиз.**

**Бугун, шундай шодиёна кунда табиийки, кўпчилик олимпия ўйинлари қаҳрамонлари сафидан жой олган спортчиларимиз кўнглидан нималар ўтаётгани билан қизиқади, уларнинг дил сўзларини эшитишни истайди. Биз Тошкент аэропортида улар билан жуда қисқа суҳбатлашдик. Спортчиларимизнинг ҳар бири Олимпиадага кетиш олдидан Президентимиз мактуб йўллаб, оқ йўл тилаганликларидан ниҳоятда қувонганликларини алоҳида таъкидлашди.**



**Артур ТАЙМАЗОВ,**
**эркин кураш бўйича олимпия чемпиони:**

— Ғалабамни мамлакатимиз мустақиллигининг 13 йиллигига бағишлайман. Мен ўз ниятимга етдим. Бунинг учун бизни қўллаб келган Юртбошимиз Ислом Абдуғаниевичга, барча мухлисларга миннатдорчилик билдираман.



**Баҳодир СУЛТОНОВ,**
**бокс бўйича бронза медали совриндори:**

— Олимпия шоҳсупасига кўтарилганимдан жуда ҳурсандман. Бу воқеа мамлакатимизнинг энг катта тўйи арафасида бўлгани мен учун алоҳида қимматли. Барча мухлисларга раҳмат, менга ишонганликлари учун. Энди мен Хитойда бўладиган Олимпия ўйинларига тайёргарлик кўраман. Кейинги олимпиадада албатта, олтин медаль учун курашаман.



**Ўткирбек ҲАЙДАРОВ,**
**бокс бўйича бронза медали совриндори:**

— Мамлакатимиз шаънини муносиб ҳимоя этиш учун қўлимдан келганича ҳаракат қилдим. Олтин медаль олишни жуда хоҳлагандим, начора тақдир экан... Бу алоҳида мавзу... Аммо совриндор бўлиб ёруғ юз билан қайтганимиздан бахтиёрман.



**Александр ДУКТУРИШВИЛИ,**
**юнон-рум кураши бўйича олимпия чемпиони:**

— Мусобақаларга жиддий тайёрланишимиз учун ҳамма шароитлар етарли бўлди. Афинага кетишдан олдин албатта чемпион бўлишга аҳд қилгандим. Ниятимга етганимдан Ўзбекистон мустақиллигининг 13 йиллиги арафасида олимпиаданинг олтин медалини қўлга киритганимдан беҳад хурсандман.

Менга ёрдам берган, ишонч билдирган, қўллаб-қувватлаган барча инсонлардан қарздорман. Худо хоҳласа янги ғалабалар билан улар ишончини оқлашга ҳаракат қиламан.



**Магомед ИБРАГИМОВ,**
**эркин кураш бўйича кумуш медали совриндори:**

— Тўғриси, финалга чиқаман деб ўйламаган эдим. Лекин ярим финалгача боришни ният қилгандим. Меҳнатларим зое кетмади. Олимпиаданинг кумуш медали мен учун катта ютуқ. Тошкентда бизни қанчалик қувонч билан кутиб олганликларини кўриб, ҳаяжонланиб кетдим.

Мен энди 21 ёшга тўлдим. Олдинда ҳали масъулиятли мусобақалар кўп. Ниятим — мураббийлар ва мухлислар ишончини оқлаш, кўрсатилаётган эътиборга муносиб жавоб қилиш.

---

**Иқтидорли ёшлар — миллат ғурури, мамлакат таянчи**

# «СОҒИНЧИМНИ ИФОДАЛАШГА СЎЗ ОЖИЗ»



**Газетамизнинг Мустақиллик байрамига бағишланган сони саҳифаланаётганда электрон почта орқали Япониядан мактуб олдик. Унинг муаллифи — Нагоя ҳуқуқ университети магистри Элдоржон ЭЛМУРОДОВ.**

— Биласизми, — дея бошланади Элдоржоннинг хати, — мен ҳозир жуда ҳаяжондаман. Сабаби агар менинг ёзганларим газетада эълон қилинса, уни албатта Китоб туманида истиқомат қилаётган ота-онам, яқинларим ўқишади. Мен эса уларни Истиқлол байрами билан чин юракдан табриклайман.

Ватанни севиш учун ундан бироз узоқлашиш керак экан. Мен бугун юртимнинг беғубор ҳавосини, тандирдан узилган иссиққина нон ҳидини, барча-барчасини жуда соғиндим. Соғинчимни ифодалашга эса сўз ҳам ожиз. Байрам шукуҳила нафас олаётган Тошкент кўз олдимда намоён бўлмоқда. Барча юртдошларимни улуғ айём билан қутлайман. Энди бир оғиз сўз ўқишларим ҳақида.

2003 йилда мен мамлакатимизда мустақиллик шарофати билан ташкил этилган Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини тугатиб, Япония ҳукуматининг грантини қўлга киритдим.

Япония сиёсати, ҳуқуқи ва халқаро алоқалари соҳасига оид фанлар билан шуғулланаяпман. Шунингдек, ривожланаётган давлатларда бозор иқтисодиётига ўтиш ва демократия жараёнларига оид интенсив курсларни ҳам ўзлаштирдим. Япония таълим тизимининг ўзига хос томони шундаки, бу ердаги олий ўқув юртларда ўқитувчи-талаба муносабатлари жуда катта аҳамиятга эга. Талабанинг барча илмий фаолиятини унга бириктирилган раҳбари кузатиб боради. Ушбу тартиб ўз навбатида талабага ҳам, профессорга ҳам катта масъулият юклайди.

Японияга келгач, Ўзбекистондаги университетлар ҳам таълим соҳасида жаҳон тажрибаси ютуқларидан кенг фойдаланаётгани, қолаверса кўплаб давлатларнинг олий масканлари билан рақобатлашишга қодир эканлигига амин бўлдим. Ҳозирги кунда дунёнинг бир қатор мамлакатларида таҳсил олаётган тенгдошларим билим ва қобилият бобида ҳеч кимдан кам эмасликларини намойиш этишмоқда.

Менинг ниятим — тезроқ ўқишни тугатиб, Ватанимга қайтиш, амалга оширилаётган улкан ишларга ҳисса қўшиш.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ тайёрлади**

# ФОРИШДА ЯНА БИР КОЛЛЕЖ

Мустақиллик байрами арафасида Фориш тумани марказида яна битта касб-ҳунар коллежи биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Вилоят «Академик лицей-коллеж сервис» бошқармаси қурувчилари томонидан бунёд этилган тендер қиймати 980 миллион сўмлик ушбу қишлоқ хўжалик йўналишидаги замонавий коллеж ўқувчи ёшларга аталган муносиб совға бўлди.

Отахоннинг қувонганича бор. 750 ўқувчига мўлжалланган коллежнинг барча зарур нарсалару воситалар билан жиҳозланган фан кабинетлари, лабораториялари, кутубхонаю устахоналари, спорт залию ошхонаси биринчи сентябрь тонгида йигит-қизларга ўз эшикларини очади.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

---




**Биз билган ва билмаган тарих**

# ОҒИР СИНОВЛАР ДАВРИ

**МАРДОНА ЖАСОРАТ**

1991 йил – оғир синовлар даври ҳақида гап кетар экан, бу борада ҳали кенг жамоатчиликка етиб бормаган тарихий ҳақиқатлар борлигини, биз уни билишимиз кераклигини алоҳида таъкидламоқчиман. Шулардан бири Литва воқеаларидир.

Мамлакатда кечаётган жараёнлардан талвасага тушиб қолган собиқ марказ раҳбарияти халқларнинг мустақилликка бўлган иродасини ҳарбий куч билан синдириш, иттифоқ республикаларини қарамлик сиртмоғида ушлаб туриш мақсадида 1991 йилнинг бошида Литва пойтахти Вильнюсга қўшин киритади ва тинч аҳолини ўққа тутади. Бу хунрезлик натижасида 14 киши ҳалок бўлган, кўплаб бегуноҳ одамлар оғир тан жароҳати олган. Бу қонли воқеалар шўролар салтанатидаги саросимани янада кучайтирди. Нафақат оддий одамлар, балки аксарият иттифоқдош республикаларнинг ўша пайтдаги раҳбарлари ҳам шошиб қолишган. Зеро бу ҳарбий дағдаға нафақат Литвани, балки бошқа иттифоқдош республикаларни қўрқитиб қўйиш учун уюштирилган эди. Собиқ марказ бу хунрезликни империянинг истаган ҳудудида, истаган пайтида қўллаши мумкин эди.

Мана шундай ўта мураккаб ва қалтис бир вазиятда собиқ СССРда Ўзбекистон ва унинг раҳбари биринчилардан бўлиб Литвага ҳарбий қўшин киритилишини қоралаган ва Литва халқининг мустақиллик учун бошлаган курашини қўллаб-қувватлаган. Жумладан, 1991 йил 19 январь куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг раёсати ва Ўзбекистон ССР Президенти ҳузурида Вазирлар Маҳкамасининг қўшма мажлиси бўлиб ўтган. Бу йиғилишда сўзга чиққан Президент Ислом Каримов Вильнюс воқеаларини кескин қоралаган. Мамлакат жуда оғир иқтисодий ва сиёсий тангликни бошидан кечираётган бир пайтда ҳар бир шаҳарда, ҳар бир республикада осойишталик ва миллий тотувлик биринчи даражали аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлаган.

Орадан уч кун ўтиб, яъни 1991 йил 22 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президентлик Кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлади. Уни бошқарган Ислом Каримов Литвадаги вазиятга тўхталиб, собиқ марказ томонидан ҳарбий куч ишлатилишини кескин қоралайди. Ўзбекистон раҳбарининг Литвадаги ҳарбий зўравонликка қарши чиқиши собиқ марказга қарши чиқиш билан баробар эди. Авваллари тепадан келган кўрсатмаларни сўзсиз бажариши мажбурий бўлган республика янги раҳбарининг бундай дадил ҳаракатлари кўпчиликни ҳайрон қолдирган, ҳатто ғарбда ҳам кенг эътироф этилган. Жумладан, Германияда чоп этиладиган «Вебсайд» газетаси ходимлари Президент Ислом Каримов билан мазкур мавзуда махсус суҳбат уюштирган. Ўзбекистон раҳбари мустақиллик учун бошланган курашни ҳарбий куч билан тўхтатиб бўлмаслигини таъкидлаб шундай деган: **«Мустақиллик самарасини ҳис этган, мустақилликка эришиш хоҳишини қалбига жо қилган кишиларни ҳеч қандай куч, ҳатто, ҳарбий куч билан тўхтатиб қолиш мумкин эмас.**

***...Биз ҳар қандай сиёсий ва ижтимоий кучлар ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф қилиш учун тинч вақтда куч ишлатиш, айниқса, ҳарбий куч ишлатишга тамомила қарши чиқдик»*.**

Ўрта Осиёда жойлашган, дунёдан темир пардалар билан тўсиб қўйилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Европанинг нуфузли матбуот минбаридан айтган «мустақиллик муқаррар» деган гаплари ғарбликлар учун, табиийки, кутилмаган воқеа бўлган. Ўзбекистон раҳбарининг кескин ва қатъий чиқишлари халқимизнинг кайфиятига ҳам кучли таъсир кўрсатган. Жойларда, узоқ-узоқ қишлоқларда юқоридаги гаплардан руҳланган ватандошларимиз тинч аҳоли устига қўшин тортишни қоралаш орқали тоталитар тузумга бўлган нафратини ифода этишган: **«Бегуноҳлар қони тўкилмоқда, айтинг-чи, Иттифоққа одамлар қурбон бўлишсин дея бирлашганмидик? Мустақил жумҳурият тупроғига қўшин киритишга, шафқатсизларча одамкушлик қилишга ким ҳуқуқ берди? Москвада ўтирган Мудофаа вазирими, Ички ишлар вазирими, Марказий ҳукуматми, ким ижозат этди?».**

Шундай қилиб, яқин келажакда нима бўлишини тасаввур қилиш қийин бўлган, империяпараст кучлар жазавага тушган, ўша тоталитар тузум даврида Ўзбекистон ва унинг раҳбарияти бошига мусибат тушган Литва халқини қўллаб-қувватлаган.

**«ҚЎЛИМНИ КЕСИБ ТАШЛАЙМАН»**

1991 йил январь ойида шўролар салтанатида истиқомат қилаётган халқларнинг бошига яна бир оғир синов тушган. Мамлакатни иқтисодий инқироз ботқоғига ботириб қўйган собиқ империя раҳбарияти гўёки вазиятни ўнглаш учун дафъатан пул алмаштириш «операцияси»ни амалга оширган. Ваҳоланки, ўша йили собиқ СССРнинг молия вазири «пул алмашмайди, агар пул алмашадиган бўлса, қўлимни кесиб ташлайман», деб ваъда берган эди. Шундай қилиб, 1991 йил 22 январь куни иттифоқ Президентининг СССР давлат банкининг 1961 йил намунасидаги 50 ва 100 сўмлик пул белгиларини тўлов учун қабул этишни тўхтатиш ҳамда фуқароларнинг омонатларидан нақд пул беришни чеклаш ҳақидаги фармони эълон қилинган. Унга биноан, одамлар бир-икки кун мобайнида ўзлари ишлаб турган корхоналарда тузилган махсус комиссия аъзоларига 50 ва 100 сўмлик банкнотларни топширишлари керак эди. Пул алмаштириш одам бошига энг кўпи билан 1000 сўм қилиб чегаралаб қўйилган. Ундан ортиғига одамлар куйиб қолишган. Иккинчидан, фуқароларга омонат кассасига қўйган жамғармаларидан бир ойга 500 сўмдан ортиқ пул бериш ҳам таъқиқлаб қўйилди.

Марказнинг иттифоқдош республикалар билан маслаҳатлашмай, ўзбошимчалик ва кибру ҳаво билан бир-икки кунда амалга оширган қўштирноқ ичидаги «тадбири» сиёсий бўҳронлар гирдобига тортилаётган мамлакатда пароқандалик ва умидсизлик муҳитини яратди. Шундоқ ҳам танг вазиятдаги иқтисодиётни жар ёқасига олиб бориб қўйди.

Ўша йилларда, айниқса, бизнинг халқимизга оғир бўлган. Биринчидан, бу даврда республикамиз аҳолисининг турмуш даражаси иттифоқдош республикалардагига қараганда икки марта, Болтиқбўйи республикаларидагига қараганда уч марта паст эди. Иккинчидан, халқимизни тўй қиламан, ҳовли қураман, бир кунимга яраб қолар деб, йиллар мобайнида тежаб-тергаб йиққан маблағлари бир кунда кулга айланган. Қолаверса, кўпчилик ногиронлар, пенсионерлар бир-икки кун ичида пул алмаштиришга умуман улгуришмаган. Ўша йилларда мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан одамларга улар оёққа туриб олишлари, уй-жой солишлари учун етти юз миллион сўмдан ортиқроқ қарз берилган эди. Уларнинг қўлларидаги бу пуллар ҳам бир зумда оддий қоғозга айланиб қолган.

Республикамиздаги вазият издан чиқиб кетмаслигини таъминлаш ҳамда миллионлаб ватандошларимизнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, саросимага тушиб қолган одамларга ўзларини ўнглаб олишлари учун имконият яратиш, иқтисодий калтабинликнинг фалокатли оқибатларини юмшатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти 1991 йил 23 январь куни «Пул алмаштириш тартиблари тўғрисида»ги ўз Фармонига имзо чеккан. Мазкур ҳужжат СССР Президенти фармонида белгиланган тартиблар ва муддатни Ўзбекистон ҳудудида қўлланишини йўққа чиқарган. Авваламбор, республикамизда 50 ва 100 сўмлик пулларни алмаштириш муддати узайтирилган. Яъни, барча давлат, кооператив, жамоат корхоналари ва ташкилотлари учун 1991 йил 24 январь соат 13.00 гача пул алмаштириш имконияти берилган. Иттифоқ Президентининг фармонида эса бу муддат 23 январь соат 00.00 гача қилиб белгиланган эди. Фуқаролар учун эса пул алмаштириш 1 февралгача узайтирилган. Иттифоқ Президентининг фармонида эса «пул алмаштириш 25 январда тўхтатилсин» деб белгилаб қўйилган эди. Ўзбекистон раҳбарияти ўша ўта мураккаб даврда республикамиз аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича кенг кўламли тадбирларни амалга оширган ва бу саъй-ҳаракатлар собиқ марказдаги муайян кучларнинг кескин қаршилигига дуч келган.

**Қуддус АЪЗАМОВ,**
**Республика «Маънавият ва маърифат маркази» раҳбари**

*(Боши ўтган сонда.)*

*(Давоми бор.)*

---

# ЎҚУВ ЙИЛИ КЕЧ БОШЛАНАДИ

Озарбайжон Президенти Фармонига кўра, бу йилдан эътиборан мамлакат мактабларида ўқув 15 сентябрдан бошланади. Ўқув йили бошланишининг кечиктирилиши мамлакатда ҳукм сураётган иқлим шароити билан боғлиқ. Яъни Озарбайжонда сентябрь бошларида ҳам ҳаво иссиқ бўлади.

ИТАР-ТАССнинг хабар беришича, айнан табиий иқлим сабабли Грузия мактабларида ҳам ўқув йилининг бошланиши 20 сентябрга белгиланган.

Эндиликда Ёқутия ва Карачаево-Черкесда ҳам ўқув йилининг бошланишига айрим ўзгартиришлар киритилади. Фақат мазкур ўзгартиришлар келгуси йилдан тажриба тариқасида амалга оширилади. Бу ҳақда Россия Федерацияси таълим вазири Андрей Фурсенко матбуот анжуманида маълум қилди, дейилади «Новости» агентлиги ахборотида. Ҳозир вазирлик бу борадаги таклиф-мулоҳазаларни ўрганиб чиқмоқда.

Яна бир гап. Вазирнинг айтишича, бугунги кунда Россия мактабларида 21 минг нафар педагог кадр етишмас экан. Шунинг учун ҳам кўпчилик ўқитувчилар бугун 1,5 ставкада ишлашмоқда. Айниқса, хорижий тиллар бўйича мутахассислар (8,5 фоиз), мусиқа (8 фоиз), ахборот технологияси (6 фоиз), меҳнат дарслари бўйича педагог кадрлар (5,2 фоиз) етишмаслиги яққол кўзга ташланиб турибди. Ўқитувчиларнинг 20 фоизидан ортиғи эса пенсионерлардир.

XORIJDA

# ОЧЛИК ЭЪЛОН ҚИЛИШДИ

Исроилнинг Ашкелондаги қамоқхонасида сақланаётган 800 нафар фаластинлик очлик эълон қилди. Улар ўтган жумада очликни тўхтатишган эди. Негаки, Исроил маъмурияти айрим ён босишларга мажбур бўлиб, шароитни яхшилашга ваъда берган эди. Бироқ ваъда ваъдалигича қолиб кетди.

Умуман бугунги кунда 2,8 минг маҳбус очлик эълон қилган. Улар қамоқхоналарда санитария меъёрлари сақланишини, қариндош-уруғлари ташрифларига рухсат беришларини талаб қилишмоқда, дея хабар беради Reuters агентлиги.

# ҚАТНОВ ТАҚИҚЛАНДИ

Украина маъмурияти кечки соат 22 дан тонгги 6.00 гача шаҳарлараро ва халқаро йўналишдаги автобуслар қатновини мамлакатда вақтинча тақиқлади.



Транспорт ва алоқа вазирлиги матбуот хизмати маълум қилишича, ушбу тақиқлов йўлларда автоҳалокатлар сонининг ортиб кетганлиги билан боғлиқ. Негаки, ҳайдовчиларнинг чарчоғи айни шу муддатда ўз «кучи»ни кўрсатади.

Тақиқлов тахминан 1 октябргача амалда бўлади.

«Интерфакс» агентлиги ахборотида қайд этилишича, бу даврда ушбу соҳага масъул муассасалар шаҳарлараро ва халқаро ташувларнинг мақбул турини ишлаб чиқадилар.

---

«Яккабоғтекс» (Қашқадарё), «Боғоттекстил», «Шовоттекс» (Хоразм), «Сағбонтекстил», «Шарқ модел» (Тошкент шаҳри), «Лола модел» (Гулистон), «Ас-Шах» (Наманган)...

Ҳаммаси ўз маҳсулотлари билан дунё бозори юзини кўришга бел боғлаган, халқаро андозалардаги рақобатбардош буюмлари билан жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини топишга жазм айлаган, хорижий ҳамкорлари билан мамлакат фаровонлиги йўлида ва ўзаро шерикчилик ҳамда ўзаро манфаатдорлик асосида чет эллик сармоядорларни кўпроқ жалб этишга интилаётган саноатимиз мажмуалари жамоаларидир, улар.

Ана шундай саъй-ҳаракатлар самараси — йилнинг биринчи ярмида асосий макроиқтисодий кўрсаткичларимиз динамикаси — иқтисодий ўсиш суръатлари жадаллашди. Биринчи марта ялпи ички маҳсулот ўсиши 6,2 фоизни ташкил этди. Бу — 2003 йилнинг дастлабки ярим йиллиги даражасидан 1,6 марта ва шу йилнинг биринчи чорагига нисбатан 1,4 фоиз кўп.

Тан олинг, мустақиллик йиллари ижтимоий юксалиш йўлида ишлаб чиқарувчилар учун жуда қулай иқтисодий иқлим, иқтисодий муҳит яратилди. Натижада, саноат, қишлоқ хўжалиги ва аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш тармоқларида юқори ўсиш суръатларига эришилди. Бу суръатлар давлатимиз молияси, пулимиз айланмаси тизимлари ва ташқи савдо тармоғи мутаносиблиги билан бирга кечди. Пировардида, бундай кечув ўз ўрнида умумий макроиқтисодий барқарорлик ва мамлакатимиз олтин-валюта заҳираси кўпайишини таъминлади. Ва яна: ишлаб чиқарувчиларга солинаётган солиқлар ҳажмини камайтиришга ҳам эришдик. Тўлов интизомини мустаҳкамладик. Пул-кредит сиёсатида инфляцияни 0,8 фоизга

**5**

тенг бўлишига муваффақ бўлдик. Ҳолбуки, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврида 4,2 фоиз эди. Боз устига, имтиёзли кредит тизимини ҳам жорий этдик.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши нафақат ички, балки ташқи бозорларда ҳам ўз истеъмолчиларини топди. Ярим йилликда ташқи савдо айланмаси 4,2 миллиард АҚШ доллари (24,5 фоиз ўсиш)ни ташкил этди. Экспортнинг жамланма ҳажми 25,5 фоиз ортиб, у 2,4 миллиард долларга етди. Ташқи савдода 689 миллион доллардан ортиқроқ ижобий сальдога эришилди. **Муҳими — хомашё бўлмаган экспорт ҳажми кўпайди.** Аҳолининг реал даромади қарийб 17, реал иш ҳақи 23 фоизга ошди. 263 минг, жумладан фермер ва деҳқон хўжаликлари тармоғида 92 минг янги иш ўринлари яратилди.

... Қаранг, боя айтганимиздек, тарих мезонларида қатрадек давр — 13 йилнинг ўн уч собит қадамлари натижаларини... Булар иқтисодиётимиз салоҳиятини белгиловчи ўлчовлар эмасми?

Ким нима деса, десин, мухолифатларимиз иқтисодий пешқадамлигимиз ҳақида ёзилган ва ёзилаётган битикларимизга, келтираётган рақамларимизга ўз «кўз»лари билан қараб, уялмай-нетмай халқаро Интернет тармоқларига тирноқ остидан кир излаб ёзган иғволарини ҳар қанча ташламасин — биз ўсаяпмиз, юксалаяпмиз, босқичма-босқич олдинга қараб сабот билан юраолаяпмиз.

Ижтимоий эҳтиёжлар учун давлат бюджетидан йўналтирилган сарф-харажатлар мана шу жорий йилнинг ўзидаёқ 48 фоизга етди. Уларнинг 80 фоизи Инсон салоҳиятини ривожлантиришга қаратилди. БМТ томонидан ишлаб чиқилган **Инсон салоҳиятини ривожлантириш**

**6**

индекси асосида жаҳоннинг энг нуфузли ташкилотлари томонидан тайёрланган халқаро ҳисоботлар маълумотларига кўра, **ижтимоий фаровонлигимиз кўрсаткичи** МДҲ мамлакатлари орасида энг баланд рейтинг (жамланма кўрсаткич — 0,738)га эгалиги расман тасдиқланди. Ҳатто дунёнинг бообрў мустақил тадқиқот марказлари ҳам бу борада **«Ўзбекистон пешқадам»** дея тан олдилар.

Аммо, шу ўринда яна бир гап: масаланинг моҳияти — халқимиз истеъмол қиладиган ҳамма тур маҳсулотнинг барчасини фақат ўзимизгина ишлаб чиқаришда эмас, балки мантиқий мақсад ва маслагимиз — юртимиздаги имкониятлар кўлами кенглигини, керакли хомашё ва ишчи кучларимиз борлигини англаб олишимизда. **«Фақатгина,** — деганди Юртбошимиз, — **шу йўл билан жаҳон ҳамжамияти ва дунё бозорида ўзимизга муносиб ўринни эгаллашимиз мумкин».**

✧✧✧

... Ўн уч йил! Такрор айтаман, набираларимдан бири ҳам бу йил ўн учга тўлади. У худди кечагина туғилгандек, ширин, диловар... Худди эрта баҳорда чаман бўлиб очилаётган навқирон ўрикни эслатади у менга... Беихтиёр тилимга куни кеча Президентимиз Фармони билан «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланган бахт ва шодлик куйчиси шоир Ҳамид Олимжоннинг сатрлари келади:

**Деразамнинг олдида бир туп,**
**Ўрик оппоқ бўлиб гуллади...**

... Оппоқ гуллаган бу образ шоир наздида бугун биз ҳам унга қўшилиб куйлаётган **Ватан – Ўзбекистон...**

У йил сайин, асрлар сайин ҳар баҳор чамандек оппоқ-оппоқ бўлиб гуллаши, шаксиз!

**Номоз САЪДУЛЛАЕВ**

**7**

---



# ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТЛАРИ ЎН САККИЗТА БЎЛДИ

Тўрақўрғон тумани ҳудудида фаолият кўрсатаётган замонавий қишлоқ врачлик пунктлари сони ўн саккизтага етди.

— Яқинда Каттақўрғонча қишлоғида янги, замонавий врачлик пункти фойдаланишга топширилди, — дейди туман соғлиқни сақлаш бўлими бош шифокори Муҳаммаджон Турдибоев. — 500 нафардан кўпроқ аҳолига хизмат кўрсатаётган ушбу шифо масканида 11 нафар тиббиёт ходими ишлаяпти. Хоналар зарур буюмлар, тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган.

**Суратда:** янги қишлоқ врачлик пункти;
**Шавкат АКРАМОВ олган сурат.**

«Универсиада — 2004»

# САМАРҚАНД: КАТТА СПОРТ БАЙРАМИГА ШАЙ

## МУХБИРИМИЗ УНИВЕРСИАДАГА ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИ ЮЗАСИДАН САМАРҚАНД ШАҲАР ҲОКИМИ СУҲРОБ РАФИҚОВ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

— Қадимий ва навқирон Самарқанд «Универсиада-2004» спорт мусобақалари арафасида янада чирой очди, — деди Суҳроб Абдуғаффорович. — Спортнинг 12 тури бўйича бўлиб ўтадиган беллашувлар Самарқанд шаҳрида, футбол бўйича гуруҳлар ўртасидаги мусобақалар Булунғур, Жомбой ҳамда Тайлоқ туманларидаги спорт мажмуаларида ўтказилади. Ўғил болалар ўртасидаги баскетбол ва волейбол мусобақалари Самарқанд давлат университетининг спорт мажмуасида, теннис беллашувлари «Динамо» теннис кортида, енгил атлетикачилар янги қуриб фойдаланишга топширилган Даҳбед кўчасидаги Марказий спорт мажмуасида ғолиблик учун беллашадилар. Сувда сузиш мусобақалари жаҳон андозаларига мос «Дельфин» сузиш ҳавзасида ўтади. Мазкур кошоналар талаба-спортчиларни кутиб олишга шай.

**— Универсиадада қанча спортчи иштирок этади? Уларга қандай шароитлар яратилган?**

— 3200 нафар спортчининг Самарқандга ташрифи кутилмоқда. Уларни барча қулайликларга эга ётоқхоналарга жойлаштирамиз. Самарқанд давлат университетининг 540 ўринли 2 та ётоқхонаси, тиббиёт олийгоҳининг 600 ўринли ётоқхонаси, Савдо тижорат касб-ҳунар коллежининг 400 ўринли, Темирйўл касб-ҳунар коллежининг 220 ўринли, СамДУ 1-сон академик лицейининг 210 ўринли ётоқхонаси ҳамда 410 кишилик ошхонаси замон талаблари даражасида ҳозирланган.

Айтиш кераккки, меҳмонлар учун хизмат қиладиган ошхоналарни керакли жиҳозлар билан таъминлашда «Нафис» ҳиссадорлик жамиятининг хизматлари катта бўлди. Мусобақаларнинг мазмунли ўтказилишини таъминлаш учун Саттепо Туризм ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг 300 нафардан зиёд кўнгилли талабалари жалб этилган.

**— «Универсиада-2004» спорт мусобақаларининг очилиш маросими қаерда бўлади?**

— Тадбирнинг очилиш маросими Даҳбед кўчасида бунёд этилган янги, замонавий «Локоматив» спорт мажмуасида бўлиб ўтади. Ўн беш минг ўринга эга ушбу майдонда барча қулайликлар яратилган. Қувонарли томони шундаки, майдон қуриб фойдаланишга топширилгач, унинг илк меҳмони универсиада иштирокчилари бўлишмоқда.

**— Ушбу спорт мусобақалари сабаб мамлакатимизнинг турли минтақаларидан талаба ёшлар Самарқандга ташриф буюришади. Уларнинг шаҳар бўйлаб саёҳат қилишлари ҳам эътиборда бўлса керак.**

— Албатта. Шаҳримизни бежизга усти очиқ музей дея эътироф этишмаган. Бу заминда улуғ алломалар, азиз авлиёлар зиёратгоҳлари, гўзал обидалар кўп. Спорт мусобақаларида иштирок этиш мақсадида келган меҳмонлар шаҳарни сайёҳат қилишади. А.Икромов номидаги Самарқанд тарихи музейи ходимлари ҳам меҳмонлар учун беминнат хизматда бўлишади. Шунингдек, шаҳардаги истироҳат боғлари, дам олиш масканлари ва томошагоҳлари ёшлик ва гўзаллик байрами иштирокчиларини кутишга мунтазир. Бир сўз билан айтганда, тўрт кун давом этадиган ушбу тадбир ўйлайманки, иштирокчиларда катта таассурот қолдиради.

**— Шаҳарни безаш ишларида асосий эътибор нимага қаратилди?**

— Бугун Самарқанд шаҳри ҳар галгидан ўзгача чирой касб этган. Безаш ишларини асосан Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ҳамда «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси вилоят бўлими амалга оширишди. Бунда қадимий Самарқанднинг ўтмиши ва бугунидан ҳикоя қилувчи этюдлар, спорт байрами руҳига хос кўргазма ва чақириқлар тадбир иштирокчиларига аъло кайфият бағишлайди.

Яна саноқли кунлардан сўнг универсиада машъаласи ёқилади. Мамлакатимиз мустақиллигининг 13 йиллик шодиёнаси билан ҳамоҳанг ўтаётган ушбу мусобақада иштирок этаётган ҳар бир йигит-қизга омад тилайман.

**Шуҳрат ҚАРШИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

# БАДИИЙ ГИМНАСТИКА: ОММАВИЙЛИК САРИ



Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Бадиий гимнастика бу нафақат спорт, балки санъатнинг ҳам уйғунлашишидир. Унда куч эмас, гўзаллик намойиш этилади. Нафосат намоён бўлади. Асосан эпчиллик, зийраклик талаб этилади.

Мамлакатимизда спортга, айниқса, болалар спортига катта аҳамият берилаётган шу кунларда бадиий гимнастикани ривожлантириш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда.



Бугун қишлоқ ва шаҳарларимизда ҳам спортнинг ушбу турига қизиқаётган қизларимиз жуда кўплаб топилади.

Мутахассисларнинг фикрича, бадиий гимнастика йўналиши бўйича иқтидорга эга кўплаб истеъдодли ёшларимиз бор, фақат уларга йўл кўрсатиш, тарбиялаш лозим.

Ўшандагина спортнинг бадиий гимнастика тури янада ривожланади. Мамлакат ҳамда халқаро турнир ва чемпионатларда бадиий гимнастикачиларимиз совринли ўринларни қўлга киритиб, Ўзбекистон довруғини дунёга янада кенгроқ ёяди.

Бугун республикамизда спортнинг бадиий гимнастика турига ихтисослашган кўплаб мактаблар, спорт тўгараклари фаолият юритмоқда. Улардан бири, Самарқанд шаҳридаги 4-олимпия захиралари гимнастика мактабида ҳозирги пайтда 300 нафардан ортиқ ёш бадиий гимнастика, гимнастика, акробатика билан мунтазам равишда шуғулланмоқда. Бу ерда ўқувчиларга ўн беш нафар мураббий спорт сирларини ўргатяпти.

Самарқандда ягона бўлган ушбу мактаб ўқувчилари ўтган йиллар мобайнида мамлакатимиздаги бир қанча мусобақаларда муносиб иштирок этиб, юқори натижаларга эришди. Шунингдек, улар халқаро миқёсда ўтказилаётган турнирларда ҳам муваффақиятли қатнашмоқда. Хусусан, самарқандлик бадиий гимнастикачилар 2003 йилнинг декабрь ойида Москвада Венера Зарипова соврини учун ўтказилган турнирда муваффақиятли иштирок этишганини айтиб ўтиш керак.

Ҳамюртларимиз жаҳон спорт майдонларида ҳали кўплаб ютуқларга эришиб барчамизни хушнуд этадилар.

**Маъмуржон МАҲМУД**

**Суратларда:** мактаб ҳаётидан лавҳалар.

Шеър ва шуур



# КЎНГИЛ ЯЙРАЙДИ ЮРТИМ

## ОНА ХАЛҚИМ

*Она халқим, ҳар сўзингда қанду новвот бор,*
*Новвотлардан минг бир аҳло мислсиз тот бор.*
*Ассаломдан бошлангувчи каломинг борки,*
*Менинг учун бу дунёда, демак, ҳаёт бор!*
*Боқиб туриб заҳматларинг, бардошларингга*
*Дерман: сенда қоялардан буюк сабот бор!*
*Ерлар очиб, уруғ сочиб ўтар кунларинг,*
*Кўкрагингда булоқ бўлиб тошган мурод бор.*
*Олтин эмас, савоб билан обод уйингда*
*Ойбарчинлар, Алпомишлар, не-не Фарҳод бор!*
*Минг йилларнинг тафаккури шуурингда жо,*
*Парвозларга аҳд айласанг, сенда қанот бор.*
*Сен тоғлардек барқарорсан бағрингда чунки,*
*Муқаннадан томир суриб келган зурёд бор!*

## САОДАТ

*Инсонни йўлидан оздирмоқ учун*
*Дунёда афсунлар, ҳилолар бордир.*
*Уни маломатга қолдирмоқ учун*
*Алдовлар, макрлар, риёлар бордир.*
*Шунданми, заҳматга раҳмат келмагай,*
*Изингдан юргувчи жафолар бордир.*
*Баъзан йиғлай десанг, йиғлай олмассан,*
*Бўғизда қотгувчи нидолар бордир.*
*Дунё меники деб жар солма, ҳей зот,*
*Ёзмишингда дорилбақолар бордир.*
*Бошқалар бошига балолар бўлма,*
*Сенга ҳам тикилган балолар бордир...*
*Охунжон, саодат эртак эмасдир,*
*Эҳтимол дунёда ҳумолар бордир!*

## ИФТИХОР

*Кўнглим яйрайди юртим, доноларингни кўрсам,*
*Сенга жону жаҳони фидоларингни кўрсам.*
*Дилимга нур қуйилиб, ортадир ифтихорим*
*Элим қўлидан топган ороларингни кўрсам.*
*Меҳру вафо барқарор сенинг бағрингда дерман*
*Барно, Оқила, Зуҳро, Лайлоларингни кўрсам.*
*Бахтинг тонги отгани рост бўлсин деййман, юртим,*
*Бошингга қўниб турган ҳумоларингни кўрсам.*
*Диёнатнинг таянчи ўзингда деб билурман,*
*Даҳолик даъво қилмас фидоларингни кўрсам.*
*Юрагинг дарё дерман, ёмонга инсоф тилаб*
*Қўлларинг очиб қилган дуоларингни кўрсам.*
*Фарзандинг бўлганим-чун шукур дерман Охунжон,*
*Ўзбек элим, шарқона дунёларингни кўрсам.*

**Охунжон ҲАКИМ**

# ҲУР ДИЁР

*Ватан озодлигинг буюк неъматдур,*
*Эркин яшамоқлик суюк ҳикматдур.*
*Ўзлигин англаган миллат халқ бўлур,*
*Эзгулик жомлари лиммо-лим тўлур.*

*Меҳр — мурувватда танҳодир ўзбек*
*Маърифати унинг дунёга қуёш.*
*Не-не авлиёлар хоки бор юртда*
*Фарзандлари мағрур кўтаради бош.*

*Ўн уч ёшлик ҳур диёр бахтинг,*
*Минг йилларга бориб туташсин.*
*Истиқлолнинг улуғ карвони,*
*Буюк манзилларга етишсин.*

**Улаш УМАРОВ**

Бугуннинг шукронаси

# ОНАСИЗ ҲАЁТ ЙЎҚ, ВАТАНСИЗ БАХТ...

Одам боласи дунёга шунчаки келмайди, ҳазрат Навоий айтганларидек, комилликка эришиш учун келади. Башарият маънан бой, жисмонан соғлом ва ахлоқан пок бўлиб боргани сари заминимиз гўзаллашиб, ҳаётимиз файзга тўлиб боради. Она-Ер, она-Ватан эса одамларга ҳамиша куч-қувват бағишлайди.

Тошкентлик Фарҳод Мирзараҳимов ҳарбий хизматда жароҳатланиб госпиталга тушган. Ёлғиз ўғил эмасми, дардимни онам кўтара олмайдилар, деб уйига «соғ-омонман, хизмат яхши кетаяпти, ҳадемай дийдор кўришамиз», деб хат ёзган. Бир муддат ўтиб, у онасидан келган хатни ўқиб ҳайрон бўлиб қолади. Хатда шундай сўзлар бор эди: «Ўғлим, нима бўлди, аҳволинг оғир эмасми?..». Ҳайратга тушган Фарҳод онасига «госпиталда ётганимни қандай билдингиз?» деб хат йўллаганида, «хатингни ҳидлаб билдим, ундан дори ҳиди келиб турарди», деган жавобни олган.

Ҳа, оналар ҳамиша сезгир, фарзандига жон риштаси боғлиқ уларнинг. Чиндан ҳам, онасиз ҳаёт бўлмагани каби, Ватансиз бахт ҳам йўқ. Оналар фарзандининг дарду азобини ҳам, бахту қувончини ҳам туш кўриб-да, ҳид билиб-да, кўзи учиб, кўнгли хиралашиб ёки ёришиб, кайфияти ўзгариб-да, билади. Боласининг кечмиш-кечирмишига қўшилиб яшайди. Назаримда, Она заминимиз ҳам биз фарзандларини кийдирсам, тўйдирсам, дейди. Сабаби, ёзу кузи, баҳору қиши ҳеч ерда биздагидек тенгликда, уч ойнинг нари-берисида келмайди-да. Мевалари бизникидек баҳорда авжланиб, ёзда мавжланиб, кузда болга тўлиб, қишдан куч-қувват йиғмайди-да.

...Метродаги суҳбатга қулоқ солиб борар эканман, она сайёрамизда Ўзбекистон отлиқ мамлакатнинг борлигига шукроналар қиламан. Мустақилликнинг илк кунларида жаннат қидириб, чет элга жўнаб кетган Белла исмли ҳамкасбимнинг «Умида, Тошкентнинг нонини соғиндим, мен учун ҳам Тошкент нонидан тўйиб-тўйиб егин», деган мактубини эслайман. — «Тошкентча қилиб бу ерда ҳам нон ёпмоқчи бўлдим. Аммо бу ернинг уни ҳам, ўтини ҳам, суви-ю тузи ҳам сира Тошкентникига ўхшамади...»

— Ўғлингиз форс, араб ва инглиз тиллари ихтисослиги бўйича ўқиган экан. Тайёр хазина-ку, нима қилиб олиб ўтирибсиз бу ерда уни ушлаб, четга юборинг, одам кўради, олам танийди, пул топади, — деди бир танишим.

— Номаълум юртлардан пул топаман, деб, бировларнинг ишхонасида идиш-товоқ ювиши, кимнингдир уйида ҳаммол бўлишига у дунё бу дунё рози бўлмайман, — дедим. — Ишлайман деса ўзимизда ҳам иш топилади.

Уйимизда уч сотихча иссиқхона бор, помидор экканмиз. Қишда икки нафар йигит ҳосил парваришида кўмаклашди. Иш тугаб, ҳисоб-китобдан кўнгли тўлган йигитлар, биз ҳам энди уйда шундай иссиқхона қурамиз. Йигирма сотих еримиз бекор ётибди. Унга макка-ю супурги экиб, даромаддан бенасиб қолаётган эканмиз, деб кетишди.

Ҳа, қаловини топса қишда ҳам қулупнай пишади. Буни халқимизга ўргатиш шарт эмас. Ўз фаросати, сезгиси билан илғаб олади.

Она сайёрамизда Ўзбекистон отлиқ мамлакатнинг ўз ҳудуд, чек-чегараси бор экан, бойликлари-ю сеп-бисоти мужассам экан, демак, эртага ҳаёт бундан-да яхши бўлади. Оққан дарёлар яна айқириб, ҳайқириб оқади, жаннатмакон юртимиз олам аро яшариб бораверади. Оналикнинг, она-Ватан, она-Диёр туйғуси барқарорлигининг маъноси ҳам аслида шундандир.

Ассалом, Биринчи сентябрь! Ассалом, Озодлигимнинг, Эрк ва Мустақиллигимнинг илк байрами! Бағринг бутун, бошинг осмон бўлсин, Ватаним!

**Умида АБДУАЗИМОВА,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими**



ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҚУВА ТУМАНИ
Й.ОХУНБОБОЕВ
НОМЛИ ШИРКАТ ХЎЖАЛИГИ АЪЗОЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ 13 ЙИЛЛИГИ БАЙРАМИ БИЛАН ЧИН ДИЛДАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ.

— Барчангизни улуғ айём билан қутлар эканмиз хонадонингизга тинчлик, омонлик бунёдкорлик ишларингизга зафарлар тилаймиз!






BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Azimjon AYUPOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot — 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat — 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 133-20-36
Parlament va huquq — 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik — 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib — 133-72-83
Reklama va e`lonlar — 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Ilhom KAROMOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1061
7837 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
O`zA yakuni — 1.00.
Topshirish vaqti — 21.00.
1 2 3 4 5
SOTUVDA ERKIN NARXDA